



## МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ходжаев Н. И., Аҳмедова М. Ж., Ходжаев Б. Ж.*

Самарқанд Давлат тиббиёт институти

### ✓ Резюме

*Маълумки, истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторидан жой олган. Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси саналмиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5124-сонли қарорларининг мазмун-моҳиятини ўрганиб, бунга ишонч ҳосил қиламиз.*

*Калит сўзлар: Давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш, комплекс*

## НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ

*Ходжаев Н. И., Ахмедова М. Ж., Ходжаев Б. Ж.*

Самаркандский государственный медицинский институт

### ✓ Резюме

*Известно, что в годы независимости реформирование здравоохранения было одним из важнейших направлений государственной политики. В этом мы убеждаемся, изучая содержание Постановления Президента Республики Узбекистан от 21 мая 2021 года № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения», которое является правовой основой для комплексное развитие здравоохранения в Узбекистане.*

*Ключевые слова: Государственное управление, здравоохранение, комплекс.*

## SOME FEATURES OF COMPREHENSIVE DEVELOPMENT OF HEALTHCARE SYSTEM IN OUR COUNTRY

*Khodjaev N. I., Ahmedova M. J., Khodjaev B. J.*

Samarkand State Medical Institute

### ✓ Resume

*It is known that the reforms in the field of health care during the years of independence are among the most important areas of public policy. We are convinced of this by studying the content of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 21, 2021 No. PP-5124 "On additional measures for the integrated development of the health sector", which is the legal basis for the integrated development of health care in Uzbekistan.*

*Keywords: Public administration, health, complex*

### Долзарблиги

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш Республикамиз Президентининг қатор фармон ва қарорларида кўзда тутилган. Хусусан, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли фармони ва 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4055-сонли қарори ҳамда 2021 йил 25 майдаги

«Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5124-сонли қарорлари шулар жумласига киради.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш борасида олиб борилган ишлар туфайли муайян натижаларга эришилди. 1991-2017 йилларда аҳолининг ўлим кўрсаткичлари 20 фоизга, чақалоқлар ўлими 3,1 баробарга пасайди. Фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 4,6 йилга ошди ва 73,7 йилни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишда бир қатор камчилик ва муаммолар мавжуд. Ана шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли фармони имзоланди.

Мазкур фармон 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлади. Унга кўра соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчилик янада такомиллаштирилади. Жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифати янада яхшиланади. Тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизими янада такомиллаштирилади, босқичма-босқич мажбурий тиббий суғуртага ўтилади. Тиббий ёрдамнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплиги (доступность) оширилади. Тиббий генетика, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдам янада ривожлантирилади. Патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделлари яратилади. Соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори, давлат, хусусий шериклиги ва тиббий туризм ривожлантирилади. Фармацевтика тармоғи янада юксалтирилади. Тиббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали моделини шакллантиришга эришилади.

Концепция республикамиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Саломатлик-2020 ва Барқарор тараққиёт мақсадлари-2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилган унинг асосий мақсадлари касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш орқали ўртача умр кўриш даврини янада кўпайтириш, тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишга эришиш ҳамда мамлакат аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилашдан иборат.

Концепцияни амалга ошириш натижасида барқарор тараққиёт соҳасида миллий мақсадлар ва вазифаларга эришилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар стандартлари ва тавсияларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилинади, халқаро тиббий-санитария қоидалари амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш таъминланади, малакали, ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти оширилади, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими янада ривожлантирилади. Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмлари қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилади. Мамлакатимиз фуқаролари мажбурий тиббий суғурта дастурлари билан босқичма-босқич қамраб олинади. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш оширилади, тиббий хизматлар кўрсатишда бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши таъминланади. Худудларни тиббиёт ва фармацевтика кадрлари билан тўлиқ ҳамда тенг равишда таъминлашга эришилади. Аҳолига реабилитация ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими янада ривожлантирилади. Аҳолининг умр кўриши 75 ёшгача оширилади. Оналар ўлими кўрсаткичи 15 фоизга камайтирилади. Мамлакатимизда чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини 30 фоизга камайтиришга эришилади. Аҳоли орасида юрак-томир, онкология касалликлари, қандли диабет ва сурункали нафас йўллари касалликларидан бевақт ўлишни 15 фоизга камайтирилади. Аҳолининг сил, ОИВ, гепатит ва бошқа юқумли касалликларга чалиниш даражасини камайтиришга эришилади.

Мазкур фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4055-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини белгилаб берди. Унга кўра вазирлик аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлаш, демографик ўзгаришлар ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш истикболларини прогнозлаш, аҳолининг саломатлиги ва касалланиши ҳолатини комплекс таҳлил қилиши, жамоат соғлиғини сақлаш устуворлигини, касалликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж

хизмати ва фуқароларни уйма-уй юриб кўриб чиқиш, аҳолини соғлом турмуш тарзини кечиршига ундаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагилар соғлиғини муҳофаза қилишга масъулият руҳида тарбиялашни таъминлаши, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узок умр кўриш даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши, аҳолининг соғлиғини сақлаш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиши, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини такомиллаштириши, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиши, профилактик тадбирларни кенгайтириши, даволанишнинг замонавий услубларини қамраб олиши ва қўллаш йўли билан тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириши, тиббий таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш устидан услубий раҳбарликни таъминлаши, маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини уйғунлаштириш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириши, соғлиқни сақлаш амалиётига фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этиши, соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-услубий раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган, замонавий, халқаро амалиётда синалган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усуллари жорий қилиши лозим.

Фармон ва қарорларни ҳаётга татбиқ этиш орқали аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги ҳамда оммабоплиги тубдан оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилда ушбу лавозимга сайланганидан сўнг халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилди ва тиббиётда ислохотларнинг янги даврини очиб берди. Ана шу ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5124-сонли қарори ҳам алоҳида ўрин тутди.

Мазкур қарорга биноан янги бошқарув тизими асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шу жумладан, вазир, вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқармаларининг вазифалари ва функциялари аниқ-равшан белгилаб берилган.

2021 йил 15 июндан бошлаб бирламчи тиббий санитария муассасаларига дори ва тиббий буюмлар учун аҳоли жон бошига бериладиган маблағ 3 баробаргача оширилади ва фақат шу йилнинг ўзида 165 млрд.сўм ҳамда 2022 йилдан бошлаб эса, бу давом эттирилади ва Давлат бюджетлари ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат бошқарув академияси биргаликда илғор хорижий давлатлар тажрибасини қўллаган ҳолда тиббиёт тизимида бошқарув (менежмент) бўйича 2 ҳафталик ўқув курслари ташкил этилади ва йил якунига қадар вилоят, туман, шаҳар тиббиёт бошқармалари раҳбарлари ўқитилади.

Тиббиётнинг бирламчи бўғинида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига асосан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхати мамлакатимиз барча ҳудудларида амалга киритилади.

Олис ва чекка ҳудудларида яшовчи аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш ва скрининг қилиш мақсадида зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган автобуслар билан таъминланади.

Компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларини туман ва шаҳар ИТ-марказларида бепул ўқитиш ташкил қилинади. 2021 йил 1 августдан эътиборан мамлакатнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишни жадаллаштириш мақсадида тиббий жиҳозлар, буюмлар, компьютер техникаси ва бошқа турли хил воситалар ҳамда тиббий ходимлар рўйхати шакллантирилади, тиббиёт муассасалари зарур тиббий техника билан таъминланади, оилавий шифокор йўлланмаси асосида кафолатланган пакетга киритилган бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тизими барпо қилинади.

2021 йил 1 июндан бошлаб иш стажи 5 йил бўлмаган олий маълумотли медицина ходимларини нодавлат тиббиёт муассасаларига ишга қабул қилиш талаблари давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади. Нодавлат тиббиёт муассасалари бино ва иншоотларига

белгиланган санитария-гигиена қоидалари, меъёрлари халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқилади.

Қарорни ўрганиб соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш масаласига давлатимиз томонидан қанчалик катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўламиз. Масалан фақат 2021-2023 йилларда давлат тиббиёт муассасалари 45900 дона компьютер техникаси билан таъминланиши кўзда тутилган.

Биринчи босқичда, яъни 2021 йилда оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман ҳамда шаҳар кўптармоқли поликлиникалари учун 17400 та компьютер жиҳозлари ажратилади. Иккинчи босқичда, яъни 2022 йилда даволаш-профилактика муассасалари ва туман ҳамда шаҳар шифохоналари 16100 дона компьютер техникаси билан таъминланади. Учинчи босқичда (2023 йил) эса вилоят ва республика шифохоналари 12400 та компьютерлар билан жиҳозланади.

2021-2022 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 12 хил мутахассислик бўйича жами 91 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиаллари ташкил қилинади.

Шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 5 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 3 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази филиали 1 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 9 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 10 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган алергиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 4 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 10 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 13 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 10 та вилоятда, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари 10 та вилоятда барпо этилади.

Қарорнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилсак, шунга амин бўламизки, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштириш бўйича тузилган «Йўл харитаси» ижроси таъминланганда соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи тиббий-профилактика муассасаларини касалликларни эрта аниқлайдиган ташхислайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини янада яхшилашга эришилади.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштиришнинг асосий тадбирлари ушбу қарор билан мустаҳкамланган. Унга кўра, олий тиббий таълим муассасаларида ўқув-симуляцион марказлар замонавий ўқув-амалий жиҳозлар билан таъминланади. Экспрементал лабораториялар фаолияти такомиллаштирилади ва моддий техник негизи мустаҳкамланади. Уларнинг клиник кафедралари республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари базасида жойлаштирилади.

Тиббиёт соҳасидаги ҳар бир раҳбарлик лавозими бугунги ислохотни тушунадиган, малакали, фаол ҳамда ўзгариш қилишга қодир бўлган кадрлар билан таъминланади. Уларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш жараёнларига янгича ёндашувлар жорий этилади. Бунда, мамлакатимизда фаолият юритаётган 11 та тиббиёт олийгоҳлари ҳамда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказлари кўзда тутилган.

Хорижий давлатларда фаолият олиб борилаётган 500 нафар Ўзбекистонликларни ватанга қайтариш чора-тадбирлари кўрилади. Улар уй-жой билан таъминланади ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилади, ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланади.

Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида улар қуёш коллекторлари билан жиҳозланади. Шунингдек, улар тоза ичимлик суви билан таъминланади.

«Тиббиёт бригадалари»га бириктирилган 50минг ўрта тиббиёт ходимлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида малака ошириши таъминланади. Соғлиқни сақлаш соҳасининг бирламчи бўғинида амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳияти аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ишлари жадаллаштирилади ва сифати оширилади. Барча давлат ва нодавлат тиббиёт муассасаларига тиббий ҳисобот шакллари бўйича ҳисоботларни қабул қилиш ахборот тизими яратилади. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 30 нафар мутахассисларини хорижий давлатларда малака оширилиши таъминланади.

Топ доирадаги мутахассислар хизмат кўрсатадиган ҳудудий тиббий муассасалари ангиограф, лапараскоп, сунъий қон айлантириш каби замонавий юқори технологик тиббий асбоб-ускуна ва воситалар билан таъминланади. Ўсмир қизларни соғлом оналикка тайёрлашдан бошлаб, ҳомиладорлик ирсий касалликларни олдини олиш, туғруқ ва ундан кейинги давргача бўлган барча жараёнлар комплекс қамраб олинади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ривожлантиришда бўлган бундай ёндошувлар, шак-шубҳасиз аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигининг янада ошишига, унинг оммабоплигини таъминлашга, шу йўл билан жамоат саломатлигини мустаҳкамлашга олиб келади.

### Хулоса

1. Истиклол йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири деб белгиланди ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди.
2. Мамлакатимиз ҳудудларида 2021-2022 йиллар мобайнида 12 хил мутахассислик бўйича жами 91 та Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг филиали очилиши аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.
3. Президент фармон ва қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш туфайли аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги ҳамда оммабоплиги тубдан оширилади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5124-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4055-сонли қарори.
4. Ходжаев Н.И., Аминов З.З. Тиббиётда ислохотларнинг янги даври. Самарқанд. Tibbiyot ko`zgusi. 2021 й. -298 б.
5. Интернет материаллари.

Қабул қилинган сана 09.02.2022